

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН
КИБЕРЖИНОЯТ ТУРЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ
КУРСАНТИ

ЛАТИБОЕВ ШАХЗОДБЕК ИКРОМ ЎҒЛИ

ЖОЛДАСОВ АСИЛБЕК АУЕЗИМБЕТ УЛЫ

E-mail: samanchik0833@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада кундан кун равнақ топиб бораётган Янги Ўзбекистон ҳудудида ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноят турлари, уларниг содир этилиши усуллари ва йуналишлари ҳамда ушбу кибержиноятлардан жабрланганлар тойифалари, енг катта миқдорда зарар етказайтган кибержиноятлар ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

Калит сўзлар: Кибержиноятчилик, фишинг, фарминг, смешинг, молиявий фирибганлик

**ВИДЫ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ТЕРРИТОРИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

АННОТАЦИЯ: В этой статье будет дана более полная информация о видах киберпреступлений в сфере информационных технологий на территории нового Узбекистана, способах и условиях их возникновения, а также о жертвах этих киберпреступлений, киберпреступлениях, наносящих наибольший ущерб в нашей статье.

Ключевые слова. Киберпреступность, причины и условия, жертвы киберпреступности, финансовое мошенничество

Ўзбекистон Республикасининг ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куришни мақсад қилип қўйган ва ушбу мақсадга эришмоқ учун барча соҳаларда туб ислохатлао амалга оширилмоқда. Илм – фан, саънат, тиббийт, иқтисодиёт ва шу каби бошқа соҳалар. Илм – фан ривожланиши билан биргана ахборот техноллогиялари ҳам шиддат билан шиддат билан кириб кела бошлади. Ахборот техноллогиялар билан бирга ушбу ахборот техноллогиялар соҳасида содир этиладиган дастлабки кибержиноятлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот техноллогиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноятлар дастлабкиси 2020 йилдан бошлаб кўзатила бошлади. Ушбу даврда бутун дунёда пандемия бошланган эди. Ахборот техноллогиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноятларга қарши кураш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББда Ахборот техноллогиялар соҳасида жиноятчиларга қарши кураш бошқармаси ташкил этилди. Кибержиноятлар кундан кунга ўзгарип такомиллашиб бормоқда. Хозирги кунда ахборот техноллогиялар соҳасида энг куп содир этилаётган кибержиноятларга қуйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Пул купайтириб бериш – гуйёки ўзларини тредингчи сифатида кўрсатип, фуқаролардан кам вақт ишида тез бойиб кетишларига ишонтирган холда ўзоарига тегишли хисоб вароқларига ўтказиб берган ваъдаларини бажармайдилар. Улар фуқароларни ишонтириш мақсадида фейк бўлган трединг расмларини кўрсатади. Дастлаб пул киритиш кўпчилик ҳолларда энг камида 400 – 500 минг сўм пул мабдағи киритишдан бошланади. Улар фуқароларга пул купайган расмларни ташаб, ушбу пулларни ечиб олишга камиссия тўлашини айтиб, яъна пул ташлаб олишади ёки яна давом еттиришини сўрашади. Фуқаролар бир неча бор ушбу холатлар такрорланганидан сўнг алданганлигини тушиниб етишади.

Пулларни қайтариб беришини сўраганларида улар билан алоқани ўзиб қойишади.

Телеграм ижтимоий тармоғида кредит ботлари – фуқаролар тез ва осон кредит олиш мақсадида банк офисларига бормасдан, ижтимоий тармоқларда кўрсатилган рекламалар буйича кредит олишга ҳаракат қилишади ва кибержиноятчиларнинг қурбонига айланишади. Сўнги пайтларда, ушбу турдаги жиноятлардан телеграм ижтимоий тармоғида ТБС банкнинг ботларидир. ТБС банкдан кредит олиш мақсадида ушбу ботга фуқаролар ўз шахсий маълумотлари ва банк пластик карта маълумотларини киритишади. Ачинарли томони шундаки, кредит олиш учун ҳам фуқаролар пул ташлаб беришади. Кибержиноятчилар уларнинг ҳисоб рақамларига уланиб олишганидан, ҳисобларида қанча пул маблағлари бўлса барини ечиб олишади.

Телеграм ижтимоий тармоғида ноткоин олди-сотдиси – сўнги пайтларда телеграм ижтимоий тармоғида кенг тарқалаётган ноткоин масаласи буйича кибержиноятлар учраб туради. Ушбу жиноятда фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ноткоин ёки ваунчерларни сотиш мақсадида бошқа шахслар билан боғланишади ҳамда уларнинг шахсига аниқлик киритмасдан, олди сотжи қилишмоқчи бўлади, жиноятчи ўзига ноткоин ёки ваунчерни ўтказиб олганидан сўнг алоқани ўзиб қўйишади.

Ўзини “Клик” ходими деб телефон қиладиган фирибгарлар – ушбу жиноят турида жиноятчилар фуқароларнинг ўзларига телефон қилишадилар ва “Сизнинг банк пластик картангизга ҳужум уюштирилмоқда ёки сизнинг ҳисобингизга уланишга ҳаракатлар амалга оширилмоқда” деган маънода телефон қилишади ҳамда ўзингизни шахсини аниқлик киритиш мақсадида шахсий маълумотларингизни сўрайди, шундан кейин шахсингизни тасдиқлаш мақсадида сизга код келади, ушбу кодни айтишингизни сурайди. Агарда фуқаро ушбу кодни айтадиган бўлса, жиноятчи унинг ҳисоб рақамига уланиб олади ҳамда банк пластик картага пул тушган пайтда ҳамма пулларни ечиб олишади. Баъзи ҳолларда

фуқароларнинг номига кредит расмийлаштирилиб олинган ҳолатлар ҳам учраб туради.


“Президентдан ёрдам” сохта хаволалар - кам таъминланган ва ёрдамга мухтожлар оилалар ижтимоий тармоқларда рекламаларда кўрсатилган ссилкаларга қизиқиб, пул тўловини олиш мақсадида ссилка кирганидан сўнг жадвалларни тўлдиришадилар ҳамда у жойга банк пластик карталарини киритадилар. Ушбу кибержиноятнинг туб маъмунида фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пул маблағлари хисоланиб, уларни ўғирлаш хисобланади. Яъни фуқаро ссилкани босиб кирганда ҳақиқатдан ҳам ёзувлар, пул ташлаб берилишини кўради, аммо ушбу сайтнинг доменига қарашмайдилар. Бу каби сайтларга ишонмаслик лозим.

Ишжтимоий тармоқларда онлайн иш таклиф қилиш – ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда онлайн иш таклиф қилишқдилар. Фуқаролар уларга шахсий маълумотлари билан ўзларини аризаларини қолдирадиилар ёки улар билан ижтимоий тармоқларда ўзлари билан гаплашиб ишни таклиқ қилишадилар. Бундай ишларга одатда куърерлик вазифаси ёки хисоб рақамдан бошқа хисоб рақамга пул ташлаб бериш ёхуд қандайдир жўнатмани етказиб бериш каби вазифалардан иборат. Ушбу вазифалар бир томондан қонунинийдек кўринади, аммо ушбу жўнатма ёки пул ташлаб бериш ноқонунийлиги ҳақида уйлаб ҳам кўришмайди.

Порнографик сайтларда сохта “Жарима”лар – ахборот технологиялар жуда тез тараққий этдики, фахш ишларда уйдан чиқмасдан тамошо қилишлари мумкин. Ушбу жараенда фуқаролар эътибор бермайдикки, сайтга кириш пайтида уларнинг манзилларини яшириш мақсадида бир сайтдан бошқа сайтга сакраш амалга оширилади ҳамда фуқароларни кўрқитиш мақсадида “Жарима” ойнашаси хосил бўлади. Ушбу ойнада “ *Фуқароларга порнографик материялларни тамошо қилганлиги учун вазирлар маҳкамаси томонидан Жиноят кодекси моддаси билан огохлантирилади*”. Бунда ҳам эътибор берилиши лозим бўлган томони шундаки вазирлар маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият хисобланиб

фуқароларга бевосита жавобгарлик масаласини кўриб чикмайди. Юқорида айтиб ўтилган бу кибержиноятлар асосан фуқароларнинг шахсий маълумотларини ўғирлаб, уларнинг моддий томонига зарар етказишдан иборат. Айтмоқчи бўлганим, юқоридаги айтиб ўтилган кибержиноятларни банк пластик карталаридан пул ўғирланиш ҳолатларини бир тойифага киритиш мумкин. Бу турдани ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятнинг жабрланувчиси айланиб қолишда биринчи навбатда фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўладилар.

Хозирги кунда содир бўлаётган ўшбу жиноятлар ҳақида ОАВ воситаларида ҳам ёритилиб борилмоқда. “21-22 июн кунлари Тошкент шаҳрида “Финтех, банклар ва ритейл” ПЛАС-форуми бўлиб ўтди. Унда иштирок этган TAD Industries (инсон юзини таниш тизимлари оператори) техник директори Эркин Норматовнинг сўзларига кўра, Тошкент шаҳрида кибержиноятлар 2 йил ичида 40 баробарга ошган. *“Шаҳарда 2021 йилда 106 та кибержиноят қайд этилган бўлса, 2022 йилда бундай жиноятлар 2081 тага, 2023 йилда эса 4332 тага кўпайган. Шу тариқа, Тошкент шаҳрида кўрсатилган даврда кибержиноятларнинг ўсиши 4087 фоизни ташкил этди. Кибержиноятларнинг асосий қисмини банк карталаридан пул ўғирлаш жиноятлари ташкил этади – 2023 йилда 2747 та ҳолат”*, – деди у. Ички ишлар вазирлиги 2022 йил бошида Ўзбекистонда сўнгги уч йилда кибержиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етганини маълум қилганди. Бу жиноятлар қаторида ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картадаги маблағларини ўзлаштириш, зарарли вируслар тарқатиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидапарастликка қаратилган ахборот хуружлари, онлайн савдо майдонидаги фирибгарлик жиноятлари саналган. Ўзбекистон Киберхавфсизлик марказининг 2022 йилдаги ҳисоботида айтилишича, миллий кибермаконда зарарли тармоқ фаолияти билан боғлиқ 65 миллион ҳодиса аниқланган.



Кибертаҳдидларнинг асосий турлари. Интернет тармоғининг миллий сегментида жойлашган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида 855 та ҳодиса аниқланган бўлиб, бунинг натижасида давлат идораларининг веб-сайтлари умумий ҳисобда 1 570 659 дақиқа давомида ишдан чиқишига олиб келган.¹ Хар бир кибержиноят аниқланганда бу тўғрисида фуқаролар ўз вақтида огоҳлантирилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар:

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoyat#cite_note-books.google.com-16
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoyat>
3. <https://zenodo.org/record/8044925>
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/bank-kartalaridan-foydalanish-bilan-bog-liq-firibgarlik-jinoyatlarining-kriminalistik-tavsifi>
5. <https://lex.uz/docs/-5841063>
6. Испқова Мухлиса Фахриддин кизи “Кибержиноятлар” мақоласи <https://cyberleninka.ru/article/n/kiber-jinoyatlar/viewer>
7. “Жиноятчилик турлари ва унинг олдини олиш масалалари” Ovliyakulov Husan Ruziboy o‘g‘li INNOVATION SCIENCE

¹ Тошкентда кибержиноятлар сони 2 йил ичида 40 баробарга ошди (kun.uz)

AND

RESEARCH INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 2
JUNE 2023 SCIENCE JOURNAL.U

8. 5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021
9. 6. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.
10. 7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
11. 8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
12. 9. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ўқуқбузарликлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.